

Бу масала ханузгача олимлар орасида тортишувлидир. Куръони каримда келган Зулкарнайн хакикатан хам македониялик Искандарми ёки бошками?

Жумбокни кўлимизда мавжуд манбалар асосида тахлил килиб кўрамиз. Куръони карим Кахф сурасининг 83-98-оятларида Зулкарнайн хакида баён этилган. «Аллох таоло Зулкарнайнга ер юзида хукмронлик, молу дунё, аскарлар ва бошка катта имкониятларни берган. Турли хил илмларни ўргатган». (Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тафсири Хилол, 3-жузъ, 514-бет.)

Куръонда яна Зулкарнайннинг сафарлари хакида хам хабар келади: гарбга боради, йўлида учраган кавмларнинг Аллох йўлидан узок бўлиб кетганларини жазолайди, мўминларини мукофотлайди. Машрикка сафари хам шундай кечади. Борган жойларининг хукмронлиги унинг кўлига ўтаверади. Бир кавмнинг илтимосига кўра Зулкарнайн уларни Яъжуж ва Маъжуж бузгунчиликларилан асраб темир ва мис эритмаси коришимасидан бир мустахам девор куриб беради. Зулкарнайн барча яхшиликларини Аллохнинг раҳматидан деб билган. Бундай хулк факат хакикий мўминларга хос хулқдир.

Ибн Касир ўз тафсирида бу масалага бошка битта олим караш асосида тўхталади ва шундай дейди: «Искандар Зулкарнайни румлик деювчиларнинг далиллари кучсиздир. Румлик иккинчи Искандар Фелис (Филипп) ўгли Макдуний (македониялик)дир».

Куръонда келган Зулкарнайн тўгрисида Азрокий бундай дейдилар: «Байтуллохни Иброхим (а.с.) билан бирга тавоф килишган, вазирлари Хизр (а.с.) бўлган..Искандар Макдунийнинг вазири эса Арасту бўлган ва милоддан тахминан 300 йил олдин хукмронлик килган. Куръондаги Зулкарнайн Иброхим (а.с.) замонларида яшаган». (Ибни Касир. Тафсирул Куръанил Азим, Кахф сурасининг тафсири. Дарул маърифат, Байрут. 3 жузъ, 1989 й. 106-бет.) Демак, Куръонда келган Зулкарнайн билан Макдуний Искандар яшаган даврлар ораси тахминан 2700 йилга фарк кияпти. Жалолиддин Суютийнинг «Тафсири Жалолайн» асарида келишича: «Зулкарнайн солих киши, одил подшоҳ бўлган, пайгамбар бўлмаган. Баъзилар Иброхим (а.с.) замонларида яшаган ва Иброхим (а.с.) кўлларида Исломга кирган дейишади. У Искандария шахрини курган Искандар Макдуний эмас. Чунки у мушрик бўлган ва Зулкарнайндан анча кейин яшаган. Ораларида минг йилдан ошик муддат ётибди. Иккаласини битта деганлар хам бор. Масалан. Иби Асир «ал-Комил» ва Ибн Хишом «Сийрат» ларида шундай келган, Зулкарнайннинг исми хакида аниқ далил йўқ. Бу ҳақда айтилган гаплар далилсиздир. Аллох таоло айтганидек, «Зулкарнайн» дейиш бизга кифоя килади». (Тафсири Жалолайн. Кахф сураси тафсири. Дорус саъада, Истанбул. 392-бет.)

Турк тилидаги «Куръони карим ва маънолари таржимаси»да куйидагича изох келади: «Зулкарнайннинг ким бўлгани тўгрисидаги яхудийларнинг саволига аниқ бир жавоб йўқ. Байзовий тафсирида унинг Буюк Искандар экани, пайгамбарлиги аниқ бўлмаса-да, лекин солих бир банда бўлгани, баъзи олимларнинг фикри бирлиги зикр этилади. Халбуки Зулкарнайн, Аллохнинг китобида ойдинлашишига кўра, кирол Искандардан анча олдин келган, пайгамбарлиги эхтимоли барибир кучли кўринади». («Куръони карим ва маънолари таржимаси», муаллифлар жамоаси, Кахф сураси тафсири, Анкара, 1993й.. 301бет.)

Гарб шарқшуносларининг аксарияти Александр Македонскийни Куръондаги Зулкарнайн

деб хисоблайдилар. Масалан, Ольга Бибиқованинг «Кругосвет.net» да эълон қилган мақолада Куръонда келган қиссалар тўғрисида фикр билдирилади, шунда Зулкарнайни Александр Македонский бўлган деб тушунтиради. Бошқа Гарб олимлари ҳам Зулкарнайни хақида ёзсалар, қавс ичида Александр Македонский деб қўшиб қўядилар.

Искандар Макдуний 356-323 йилларда яшаган юнон-македон давлати раҳбари, жуда қўп давлатларни босиб олган подшоҳ. Хатто бизнинг диёримизгача ҳам келган. У тузмокчи бўлган салтанатига марказ қилиб Бобилни танлайди. Эрта вафоти туфайли мақсадига эриша олмади. У Бобилда вафот этади. (А Кабиров. Жаҳон тарихи. 6-синф учун. Тошкент. Ўқитувчи. 2001. 240-248 бетлар.)

Қиёсий таҳлил

Искандар Макдуний асосий тарбияни устози Арастудан олган. Эътиқоди қандай бўлганини Арастудан қиёс қилиб билишимиз мумкин. Шунда бу Макдуний Куръондаги Зулкарнайни эмаслиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

Куръонда фақат «Зулкарнайни» тарзида келган, исми айтилмаган. Шунинг учун «Тафсири Жалолаини» қитобида: «Зулкарнайни бўлиб келдимиз, фақат шундай аташимиз қифоя қилади» (Тафсири Жалолаини. Қаҳф сураси тафсири. Дорус саъада, Истанбул. 392-бет.), дейилади.

Зулкарнайни яшаган давр ҳам тортишувли масала. Ибн Қасирда келган Азроқийнинг фикрича, Зулкарнайни Иброҳим (а.с.) қамонларида яшагани тўғрисидаги хабарни ўқидик. Буни тўғри дейдиган бўлсак, Абу Лайс Самарқандий тафсириларида бунга тўғри келмайдиган маълумот берилган: «Дунёнинг деярли барча жойларини босиб олган тўртта йирик подшоҳ ўтган, шулардан иккитаси мусулмон, иккитаси мушрик - қофир. Мусулмонлари Сулаймон (а.с.) билан Зулкарнайни, қофирлари Намруд ва Навахуданаср бўлган» (Абу Лайс Самарқандий. Баҳрул улум. Қаҳф сураси тафсири.)

Намруд Иброҳим (а.с.) қамонларида яшаган машҳур подшоҳ. Зулкарнайни билан Намруднинг қамондош бўлишгани ишончсизроқдир.

Зулкарнайни пайгамбар дейдиганлар ҳам бор. Қазрати Алидан (р.а.) пайгамбар бўлганими деб сўралганида: «Одамларни тўғри йўлга бошлаган Аллохнинг солиҳ бандаси бўлган», (Ибни Қасир. Тафсирул Куръанил Азим, Қаҳф сурасининг тафсири. Дарул маърифат, Бай-рут, 3 жузъ, 1989 й. 106-бет.) деб жавоб берганлар. Куръони қаримда номи зикр этилган ўчта шахснинг пайгамбарлиги бахслидир. Улар Лукмони Қасим, Қазрати Қизр ва Зулкарнайнилар. Турк олими Мустафо Осим Қўқсол ўзининг «Пайгамбарлар тарихи» қитобида Зулкарнайни ҳам қиритган. Лекин, Зулкарнайнинг пайгамбарлигини инқор этувчилар ҳам бор, деярчи изоҳ беради. (М.О.Қўқсол Пайгамбарлар тарихи, 2 жилд Анкара, 1993. 286-бет.) Раҳматуллоҳ қори Обидовнинг «Куръон мавзуларининг маънавий-тарихий аҳамияти» номи қитобида келган: «Икки шоҳли Искандар» атамаси Македония ҳукмдорининг кейинчалик Амон худоси - буқа сифатида тасвирлаганидан қелиб қиккан (Раҳматуллоҳ Обидов. Куръон мавзуларининг маънавий тарихий аҳамияти. 306-бет. 2006.). деган таъриф Куръондаги Зулкарнайни билан

македониялик Искандар бир шахслигига ишора килади. Искандар Макдуний ва ундан кейинги тарих анча яхши ўрганилган. Макдуний ҳам «Зулкарнайн» деб ном олган бўлиши мумкин.

Мумтоз адабиёт нима дейди?

XIII-XIV асрларда, айникса, Мовароуннахр ва Хуросон адабиёт ахллари орасида «Хамса» ёзиш удум бўлган. Маълумки, Хамса бешлик дегани. Яъни. бешта мустакил дostonдан иборат битта йирик асар. Шу бештадан биттаси албатта Искандарга багишланган дoston бўлган. Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома», Хусрав Дехлавийнинг «Ойнаи Искандарий», Абдурахмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» дostonлари шулар жумласидандир. Алишер Навоий ҳам худди шу йўлда «Хамса» битган ва ичида «Садди Искандарий» дostonи бор. Унда шоир македониядик Искандарни кахрамон килиб олади. Унинг харбий юришлари, устози Арасту билан савол-жавоблари, сухбатлари, умуман олганда, килган ишлари хакида сўз юритади.

Дostonда «Зулкарнайн» сўзи учрамайди, Искандар бўлиб келади ва асосан Искандар Макдуний яшаган давр тасвирланган. Савол тугилади: нега дoston «Садди Искандарий» деб номланган? «Сад» девор дегани ва уни, Куръонга кўра, Зулкарнайн курган. Тўгри, Алишер Навоий дostonни «Садди Искандарий» деб номлайди, лекин бевосита девор хакидаги тасвирларни бор-йўги икки бетга жойлаган. Унда келишича, Искандар девор курдиради, девор хом-ашёси асосан тош бўлади ва темир билан мустахамланади. (Алишер Навоий. «Садди Искандарий». 11 том, 465-466 бетлар.)

Вахоланки, Куръонда зикр этилган Зулкарнайн деворни Яъжуж ва Маъжужлардан сакланиш учун темир ва мис эритмаси коришмасидан куради. Алишер Навоий «Искандар Макдуний кўчманчи кабилалар хужумларига карши Ўрта Осиё ва Ковкозда курган девор» 10ни назарда тутган бўлиши мумкин. Алишер Навоий замонида ҳам бу икки шахс хакида тортишувлар бўлган. Тўгри, «Садди Искандарий» дostonи тарихий асар эмас ва ундаги воқеаларга биз тарихий хужжат сифатида карай олмаймиз. Шоир «Хамса»нинг колган дostonларида - «Фарход ва Ширин»да жавонмард йигит, «Лайли ва Мажнун»да афсонавий ошик, «Сабъаи сайёр»да адолатсиз подшоҳ тимсолларини тасвирлагани сингари, «Садди Искандарий» да ҳам бадий ижод махсули ўларок буюк ва фазилатли подшоҳ тимсолини яратди. Яъни, улуг шоир инсонпарварлик ва адолат хакидаги гоёларни етказишга аник шахс - шох Искандар номидан фойдаланган. Бадий ижодкор бундай усул кўллашга тўла хаклидир.

Келтирилган манбалардаги маълумотларни кўриб битта ва узил-кесил хулоса чиқаришга етарли далил-хужжатлар учрамади. Фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, аксинча, илм ахли орасида уч хил караш бор экани маълум бўлади. Бир тоифа олимлар Зулкарнайн ва Искандар Макдунийни бир одам дейишади. Яна баъзилари бошка-бошка бўлган дейишади. Учинчи тоифа олимлар, хали бир тўхтама келишмаган. Бу уч хил фикрнинг мавжудлиги Зулкарнайн билан Макдуний масаласининг аник ечимга эга эмаслигини билдиради. Лекин ўтмишда Зулкарнайн лакабли бир нечта подшоҳлар ўтган.

«Зулкарнайн» дейилиши уларни буюклик даражасини кўрсатган, балки шунинг учун ҳам

одамлар бу икки шахсни бир деб адашаётгандирлар. Кейинчалик тарихий изланишлар натижасида бу мавзу яна хам ойдинлашади, деб ўйлаймиз.

Файзуллох Нуруллох ўгли